

6 – ТОМ 2 – SON / 2023 - YIL / 15 - FEVRAL

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ**

Фируза Мухитдинова

ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори

Махбуба Хамидова

ТДЮУ қошидаги академик лицей ҳуқуқ фани ўқитувчиси

Ўткир Исломов

ТДЮУ қошидаги академик лицей ҳуқуқ фани ўқитувчиси

2023 йил “ Инсонга эътибор –сифатли таълим йили” да барча ислоҳотлар шу юрт ахолисининг баҳту-камоли йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар десак, тўғри бўлади. Нега деганда, бугунги кунда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартиби анча ихчамва такомиллашгани халқимиз учун қувонарли холатdir. Жумладан, мазкур масалага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишида адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 мартағи ПФ-89-сон Фармонига мувофиқ аҳолига фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш билан боғлик давлат хизматларини осон ва қулай шароитларда кўрсатиш, туғилганлик ҳолатларини ўз вақтида қайд этиш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралганлик ҳолатларини қайд этишда оворагарчиликларнинг олдини олиш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимлари ўртасида коррупциявий ҳолатларни ва ундаги навбатларни бартараф этиш ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини янада такомиллаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрь, 540-сон қарори эълон қилинган эди.

Унга кўра, 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июндан эса бутун республика худудида туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этиш тартиби жорий этилмоқда.

Шунингдек, туғилганлик ҳолати фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома берилади ва ушбу маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш қатъиян тақиқланди ҳамда туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги мурожаатларига асосан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан белгиланган миқдорда герб йиғими ундирилган ҳолда расмийлаштириб берилмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун аризаларни Сирдарё вилоятининг туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент

ұтказишиң ҳақидағи таклифини қабул этди, унға күра, ҳуқуқий эксперимент 2022 йил 1 ноябрдан 2023 йил 1 июляғача қадар амалға ошириләди.

4 Түртінчидан, ахолини сарсон-саргардонлықдан озод этадиган яна битта янгилик, никох тузиш ва никоҳдан ажратишиң қайд этиши учун давлат хизматлари марказлари орқали аризалар қабул қилиш тартиби түғрисидаги вақтингчалик маъмурий регламент тасдиқланмоқда.

Ёшларимизнинг эркинлиги, ҳуқуқи янада кенгайтирилған ҳолда мазкур қарорга күра эндилиқда, никоҳга кириш ҳақида ариза берилгандан никоҳланувчи шахсларнинг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролари йиғинини хабардор қилиш тартиби бекор қилинмоқда.

Бугунги шиддат билан янгиланишлар орасыда яна бир муҳим қадам фуқароларнинг фамилия, исм ва ота исмини ўзgartиришда текширув ұтказиши учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали ички ишлар органларига сўровнома юбориш ва фикр олиш тартиби жорий этиши масаласи ҳам кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда иккى ой муддатда Соғлиқни сақлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари ахборот тизимларини «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига интеграция қилиши уч тармоқнинг ягона тизимини яратади юу эса, албатта оддий фуқаро учун қулай ва енгиллик яратади.

Мазкур холатнинг ҳуқуқий асоси сифатида Вазирлар Мажкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 540-сон қарорида келтирилған 1-ИЛОВАга мурожаат этсак тўғри бўлади. Иловада қайд этилганидек, “Никох тузиш ва никоҳдан ажратишиң қайд этиши учун давлат хизматлари марказлари орқали аризалар қабул қилиш тартиби түғрисида” ВАҚТИНЧАЛИК МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ берилгандан бўлиб, ушбу Регламент фуқаролардан никох тузиш ва никоҳдан ажратишиң қайд этиши бўйича аризаларни давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) орқали қабул қилиш ва туман (шаҳар) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ва никоҳ уйларида (кейинги ўринларда — ФХДЁ органи) далолатнома ёзувларини қайд қилиш тартибини белгилайди.

2-бобида давлат хизматини кўрсатиши тартиби белгиланган бўлиб, никох тузишиңи хоҳловчи шахслар бу тўғрида Марказ орқали мурожаат этган кундан кейин бир ой ўтгач уларнинг сўровномасида кўрсатилған жойдаги ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

Бунда, никох тузишиңи хоҳловчи шахслар Марказга ўзлари келиб мурожаат этади ва Марказ ходими никоҳланувчи шахслар номидан ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишида тўлдиради.

Белгиланган намунадаги сўровнома никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари (фуқаролик паспорти, хорижга чиқиш паспорти, идентификацияловчи

ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки ҳарбий билети) асосида тўлдирилади ва барча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоблар берилиши керак.

Сўровномада никоҳланувчи шахслар томонидан никоҳни қайд этиш жойи ва тартиби (ФХДЁ органи биносида, жумладан тантанали равишда ёки жойига борган ҳолда қайд қилиш) кўрсатилади. Никоҳланувчи шахслар сўровнома берилган вақтдан бошлаб бир ой давомида, бироқ никоҳни қайд этиш белгиланган кундан камида 2 кун олдин Марказга келган ҳолда никоҳни қайд этиш тартибига ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

Марказ орқали мурожаат қилинган пайтда тиббий кўрикдан ўтиш ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида ўкув машғулотларини ўтказиш учун йўлланмалар Марказ ходими томонидан берилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мустасно бўлиб, ушбу ҳолларда эллик ёшгача никоҳ тузувчи шахсларга фақат ОИВ-инфекцияси юзасидан мажбурий тиббий текширувдан ўтиш учун йўлланма берилади.

Агар бирон-бир сабаб билан никоҳ тузувчиларнинг иккаласи айни бир вақтда Марказга келиш имконияти бўлмаса, у ҳолда Марказга аризани улардан бири бериши мумкин, бу ҳолда кела олмаган шахснинг имзоси нотариал тартибда ёки ФХДЁ органи мудири томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Эътиборли томони шундаки, никоҳга кириш ҳақидаги сўровномалар ҳисобга олинадиган маҳсус электрон дафтарда қайд этилади. Шунингдек, ҳар бир фуқаро яхши билиши керак бўлган жараён бу: никоҳланувчи шахслар томонидан сўровнома белгиланган тартибда имзолангандан сўнг никоҳни қайд этганлик учун — «Давлат божи тўғрисида»ги Конунда белгиланган миқдорлардаги давлат божи; гербли гувоҳномалар берганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида йифим қўйидаги тўловлар амалга оширилади: никоҳни тантанали вазиятда, шу жумладан жойига борган ҳолда қайд қилганлик учун (сўровномада кўрсатилган бўлса) белгиланган миқдорларда йифим бўлса, тўловлар амалга оширилганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Инсонга эътибор йилида ҳукукий маданият жамият тараққиёти учун муҳим бўлиб, ҳар бир фуқаро билиши лозим бўлган талаблалардан бири бу: ФХДЁ органлари томонидан никоҳланувчи шахслардан ҳар қандай тўловларни қабул қилиш ёки талаб қилиш тақиқланганлигидир.

Шу қарорда қайд этилганидек, агар никоҳни қайд этиш бўйича сўровнома берилган вақтдан бошлаб никоҳ қайд этилгунга қадар никоҳланувчи шахслар ёки улардан бири никоҳ тузиш фикридан қайтса, тўловларни амалга оширган тарафнинг ёзма мурожаатига асосан тўланган пул маблағлари Адлия вазирлиги томонидан конунчилик хужжатларида белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Унутмаслоик керакки, ФХДЁ органи мудири узрли сабаблар бўлганда ҳамда аризачиларнинг илтимосларига кўра бир ойлик муддатни қисқартириши мумкин. Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи — болаларининг туғилганлиги ҳақидаги

гувоҳномалари, тиббиёт муассасасининг келиннинг ҳомиладорлиги ёки бир тарафнинг касаллиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги гувоҳнома ва шу каби ҳужжатлар кўрсатилади.

Никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳ тузувчиларнинг ФХДЁ органига биргаликдаги ёзма ёки оғзаки мурожаатига биноан кўриб чикилади. Айrim ҳолларда етарли асослар бўлган тақдирда, шунингдек ФХДЁ органининг ташабbusи билан ушбу муддат уч ойгача узайтирилиши мумкин.

Ёшларимизнинг соғлом турмуш тарзини алоҳида эътиборга олган қарорда ФХДЁ органи никоҳни қайд қилишдан 15 кун олдин, яъни тиббий кўрик натижаларини қабул қилиш жараёнида қўйидагиларни амалга оширади:

Биринчидан, никоҳланувчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида сўровномадаги маълумотларни ва илова қилинган ҳужжатлар тўғрилигини текшириди;

Иккинчидан, никоҳланувчи шахсларга никоҳ тузиш тартиби ва шартларини, келгусида эр-хотин ва ота-она сифатида вужудга келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради ва бир-бирининг саломатликлари тўғрисида ва оиласиай ахволи тўғрисида хабардор эканликларига ишонч ҳосил қиласи;

Учинчидан, никоҳланувчи шахсларни никоҳ тузишга монелик қиласи болалари ҳолатларни яшириш оқибатлари тўғрисида огоҳлантиради;

агар никоҳланувчи шахсларнинг оталик белгиланмаган биргаликдаги болалари бўлса, у ҳолда уларга оталикни белгилаш тартибини тушунтиради;

Тўртинчидан, қонун никоҳланувчи шахслардан ҳатто биттаси илгари қайд этилган никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузилишини тақиқлаши сабабли шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари бўйича никоҳланувчи шахсларнинг қонуний никоҳда туриш-турмаслигини «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текшириб кўради.

Илгари никоҳда бўлган шахс ФХДЁ органига аввалги никоҳи бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак. Бу — никоҳнинг бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома (никоҳдан ажралганлик ҳақидаги маълумотнома) ёки суд қарори, эрнинг (хотиннинг) ўлими ҳақидаги гувоҳнома (ўлим ҳақидаги маълумотнома) ва унинг вафот этган шахс билан тузилган никоҳи ҳақидаги маълумотнома ёхуд суднинг никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақидаги қарори бўлиши мумкин.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасига мувофиқ:

лоақал биттаси қайд қилинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

насл-насад шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, тугишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

лоақал биттаси рухият бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилған шахслар үртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Никоҳланувчи шахсларнинг истакларига биноан никоҳ уларнинг қариндошлари ва танишлари иштирокида қайд этилади. Никоҳни қайд этишда никоҳланувчи шахслар томонидан белгиланган сонда гувоҳлар иштирок этиши мумкин.

Никоҳни қайд этиш фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади. ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 13-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Никоҳнинг ишончнома бўйича ёки вакил орқали, шунингдек тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бўлмагандан қайд этилишига йўл қўйилмайди.

ФХДЁ органлари ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида ўзларига маълум бўлган шифокорлик сирларидан иборат бўлган маълумотларни ошкор этганлиги учун белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ҳаётда ҳар қандай ҳолатлар учраши мумкин. Бу тарихан ўз исботини топган. Шундай ҳолат ёшлар, никоҳга киравчилар ҳаётига оид бўладиган бўлса, жумладан, никоҳланувчилардан бири бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмайдиган истисно ҳолларда никоҳ тузилганлиги шифохонада, уйда ёки бошқа тегишли жойда, никоҳланувчи иккала шахснинг иштирокида қайд қилинади. Далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунида бу ҳақда тегишли белги киритилади.

Никоҳни қайд этишга тўсик бўлувчи қонуний ҳолатлар мавжуд бўлганда ФХДЁ органи уни қайд этишни рад қиласди. Агар мазкур маълумотлар тасдиқланмаса, у ҳолда никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади. Юқорида қайд этилган ҳолатларни текшириш муддати уч ойдан ошмаслиги керак.

Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эр-хотиннинг ўзаро розилиги асосида тузилар экан, унда никоҳ тузилганлигини қайд этишда никоҳланувчи шахслар ўз хоҳишларига кўра иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлашлари ёки ўзларининг никоҳгача бўлган фамилияларида қолишилари мумкин.

Никоҳланувчилар фамилияларининг қўшилиши орқали ҳосил бўлган фамилия умумий фамилия сифатида танланиши мумкин.

Жумладан, никоҳланувчилардан бири эр ёки хотиннинг фамилиясини қабул қиласа, у ҳолда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини бир ой ичida алмаштириши зарурлиги тўғрисида ФХДЁ органи томонидан огоҳлантирилади.

Ҳарбий хизматга мажбур бўлган ёки ҳарбий хизматга чақирилувчининг никоҳи қайд этилганлиги сабабли фамилияси ўзгартирилганда, ФХДЁ органи бу ҳақда ҳарбий хизматга мажбур бўлган ёки ҳарбий хизматга чақирилувчи рўйхатда турган туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қиласди.

Хуқуқий давлатнинг асосий тамойили қонун устуворлигига амал қиласар экан, шу тамойил асосида никоҳ тузишнинг белгиланган қоидалари бузилганда, шунингдек ғаразли мақсадни кўзлаб тузилган никоҳ суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилади.

Суднинг никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори асосида ФХДЁ органи никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига бу ҳақда белги қўяди ва адлия бошқармасининг идоравий ФХДЁ архивига хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

Никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда никоҳ тузилганлиги ҳақида такрорий гувоҳнома берилмайди.

Мазкур ҳужжатнинг 3-бобида никоҳдан ажратиш масалалари кўрилган. Унга кўра, вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотинларни уларнинг ўзаро розилигига кўра никоҳдан ажратишни қайд этиш белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 42 ва 218-моддаларига мувофиқ ФХДЁ органи мулкий низолари ҳамда вояга етмаган фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлари) бўлмаган эр-хотинлар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги сўровномани Марказлар орқали қабул қиласди.

Никоҳдан ажратиш юзасидан мурожаат қилган эр-хотин ўзлари келиб мурожаат этган тақдирда, Марказ ходими эр-хотинлар номидан сўровномани электрон равища тўлдиради.

Бунда, мурожаат қилган эр ёки хотин никоҳдан ажратишни қайд этадиган ФХДЁ органини танлайди.

Марказ эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма равища хабардор қилиши керак.

Агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажралиш тўғрисидаги сўровномани бериш учун Марказга кела олмаса, у ҳолда эр-хотин номидан биргаликда ёзилган аризани улардан бири топшириши мумкин. Кела олмаган эр ёки хотиннинг аризадаги имзоси нотариал тартибда ёки ФХДЁ органи мудири томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Аризада эр-хотин ажралишга ўзаро рози эканликлари, вояга етмаган болалари йўқлиги, шунингдек улардан бири никоҳдан ажратиш қайд этилиши белгиланган кунда ФХДЁ органига кела олмаса, никоҳдан ажратишнинг унинг иштирокисиз қайд этилишига розилиги тасдиқланади.

Эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўрилганлиги ҳақида фуқаролар йиғини томонидан ФХДЁ органига далолатнома тақдим этилади.

Эр ва хотин томонидан сўровнома белгиланган тартибда имзолангандан сўнг қўйидаги тўловлар амалга оширилади:

никоҳдан ажратишни қайд этганлик учун — «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдорлардаги давлат божи;

гербли гувоҳномалар берганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида йифим.

Эр ва хотиннинг ўзаро келишувига кўра, уларнинг биридан ёки иккаласидан белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

ФХДЁ органлари томонидан эр-хотинлардан ҳар қандай тўловларни қабул қилиш ёки талаб қилиш тақиқланади.

Агар никоҳдан ажратишни қайд этиш бўйича сўровнома берилган вақтдан бошлиб ажрим қайд этилгунга қадар эр-хотинлар никоҳдан ажralиш фикридан қайтса, тўловларни амалга оширган тарафнинг ёзма мурожаатига асосан тўланган пул маблағлари Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Агар никоҳдан ажralишга эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлгани ҳолда умумий мулк ҳақида ёки меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотиннинг таъминоти ҳақида низолар бўлса, у ҳолда никоҳдан ажратиш суд тартибида ҳал этилади.

Никоҳдан ажratишни қайд этиш эр-хотиннинг ёки улардан бирининг иштирокида никоҳдан ажratиш ҳақида сўровнома берилган кундан кейин уч ой ўтгач амалга оширилади ва собиқ эр-хотинларнинг ҳар бирига никоҳдан ажralганлик ҳақида гувоҳнома берилади.

Эр ёки хотиндан бирининг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиши тўғрисидаги истаги никоҳдан ажratиш ҳақида сўровномасида кўрсатилиши керак.

Никоҳдан ажratиш қайд этилгандан сўнг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага унинг тугатилганлиги ҳақида белги қўйилади ва у аризачиларга қайtariлadi. Шулар билан бир қаторда “Эр ёки хотиндан бирининг аризаси асосида никоҳдан ажratиш” масаласи ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 43 ва 219-моддаларига мувофиқ эр-хотиндан бири:

суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли мумомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

садир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатта озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган умумий болалари бор-йўқлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра ФХДЁ органларида никоҳдан ажratиш қайд этилади.

Бундай ҳолларда сўровномага қўшимча равища қўйидагилар илова қилинади:

эр (хотин)нинг муомалага лаёқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд қарори;

эр (хотин)нинг уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд хукмидан кўчирма, шунингдек судланган эр (хотин)нинг никоҳдан ажратишга ўртада умумий болалари ва мол-мулки юзасидан низолари йўқлиги тўғрисидаги розилиги.

Болалари тўғрисида, биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр(хотин)га таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳдан ажратиш юзасидан мурожаат қилган эр ёки хотин ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Марказ ходими эр ёки хотин номидан ушбу Регламентнинг 5 ва 6-илювасидаги сўровномани электрон равишида тўлдиради.

Бунда, мурожаат қилган эр ёки хотин никоҳдан ажратишни қайд этадиган ФХДЁ органини танлайди.

Никоҳдан ажралишни хоҳловчи эр (хотин) ўз сўровномасида судланган эри (хотини)нинг жазони ўтаётган жойини ёхуд муомалага лаёқатсиз эри (хотини) васийсининг ёки бедарак йўқолган эри (хотини)нинг мол-мулкини бошқарувчининг манзилини, шунингдек никоҳдан ажратишда ўзи танлайдиган фамилияни кўрсатиши лозим.

Сўровномани қабул қилган Марказ шу куниёқ бу тўғрида жазони ижро этиш муассасасига ёхуд муомалага лаёқатсиз эр(хотин) васийсига ёки бедарак йўқолган эри (хотини)нинг мол-мулкини бошқарувчига, улар бўлмаганда эса — васийлик ва ҳомийлик органига хабарнома жўнатади.

Хабарномада болалар тўғрисида, эр (хотин)нинг умумий мулкида бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низонинг ёхуд меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр (хотин) таъминоти учун маблағлар тўлаш ҳақидаги низонинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш учун вақт кўрсатилган бўлиши керак.

Эр (хотин)дан бирининг сўровномаси бўйича никоҳдан ажратиш унинг иштирокида, Марказга ариза берилган кундан кейин бир ой ўтгач ФХДЁ органида амалга оширилади.

Шундай ҳолатлар борки, унда алоҳида қайд этилганидек, ўзаро болалари ва мулкий низолари бўлмаган ва 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларни никоҳдан ажратиш эр-хотиннинг ўзаро розилигига кўра умумий қоидалар асосида ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади.

Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келганда ва суднинг тегишли ҳал қилув қарори бекор қилинганда никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризаси бўйича ФХДЁ органи томонидан тикланиши мумкин.

Бу ҳолда ФХДЁ органи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини ва унинг асосида берилган тегишли гувоҳномани бекор қиласи.

Томонлардан бири янги никоҳга кирган тақдирда никоҳ тикланиши мумкин эмас.

Бу ҳолда бедарак йўқолган деб топилган шахс мурожаат қилган тақдирда никоҳдан ажралганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Фуқароларнинг шахсий хуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилиш масаласига ҳам эътибор берилган бўлиб, жумладан кейинги парграфи айнан, “Суд қарори билан никоҳдан ажратишни қайд этиш” деб номланган.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 47-моддасига биноан никоҳ ФХДЁ органида никоҳдан ажратиш қайд этилган кундан бошлаб тутатилади.

Бунда ФХДЁ органи суд қарори асосида эр-хотинлардан бирининг Марказ орқали берган сўровномасига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини қайд этади ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Бунда никоҳдан ажратишни қайд этишгача ФХДЁ органи эр ёки хотиндан бирининг никоҳдан ажратилганлик факти расмийлаштирилганлигини «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текширади.

Агар никоҳдан ажратиш ФХДЁ органида томонлардан бирининг аризасига қўра қайд этилган бўлса, у ҳолда далолатнома ёзуби иккинчи томон тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади ва никоҳдан ажратганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувини қайд этиш, никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги далолатномадаги ёзувларга қўшимчалар киритиш ва никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш, шунингдек томонлардан бирининг ишончнома асосида ҳаракат қилувчи вакилнинг сўровномаси бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

1998 йил 1 сентябрдан 2010 йил 15 сентябргacha бўлган даврда қонуний кучга кирган суд қарорлари бўйича никоҳдан ажратишни қайд этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига асосан йўқолган далолатнома ёзувларини тиклаш тартиби ва қоидаларига биноан амалга оширилади.

МДҲ мамлакати ва чет эл давлат суди томонидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарор асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳдан ажратиш (қарор қачон чиққанидан қатъи назар) агар давлатлараро битимда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, умумий тартибда ФХДЁ органида қайд этилади. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.